

ётган иқтисодий ислоҳотларга мос замонавий ёндашувни амалга ошириш қурилиш саноатини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарини бошқа-

ришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, унинг элементлари муносабатларини яхшилаб бориш ушбу соҳада фаолият олиб бораётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).
3. Храброва И.А. Корпоративное управление: вопросы интеграции. – М.:2000. –198 с.
4. Карнаухов С. Эффективность корпоративных структур //Риск. –Москва, 2004.-№1-2, -4 с.
5. Беркинов Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). –Т.: Изд-во Нац.б-ки Узбекистана, 2005.-132 с.
6. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. –Т.: Академия, 2007. –48 б.
7. Суюнов Д. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография.–Т: Академия, 2007.–319 б.
8. Ҳамидулин М. Финансовые механизмы корпоративного управления. Монография.–Т: Молия, 2008.–204 с.
9. Ҳашимов А. Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларни бошқариш методологиясини таомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори....дисс.иши. – Т.: 2007. – 338 б.
10. Ташходжаев М.М. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни таомиллаштириш ўйналишлари: Иқт. фан. номз.... дисс. иши. – Т.: ТДИУ, 2012. – 132 б.
11. Муминова Э.А. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш методологиясини таомиллаштириш Иқт. фанлари доктори автореф. – Т.ДБА: 2021. – 746.

### КИМЁ САНОАТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Амиркулов Акрам Зияевич -**

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
мустақил изланувчиси

**Аннотация.** Мақолада кимё саноати корхоналарида ракобатда устунликни таъминлашга ўйналилган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубини таомиллаштириш масалалари ўрганилган.

**Ключевые слова:** корпорация, бошқариш, корпоратив бошқарув, тизим, самарадорлик, баҳолаш, услугуб.

### ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕТОДОЛОГИИ СИСТЕМЫ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ В ХИМИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

**Амиркулов Акрам Зияевич -**

Независимый исследователь Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы совершенствования методики оценки эффективности системы корпоративного управления, направленной на обеспечение конкурентных преимуществ в химической отрасли.

**Ключевые слова:** корпорация, менеджмент, корпоративное управление, система, эффективность, оценка, стиль.

### IMPROVING THE EFFICIENCY METHODOLOGY OF CORPORATE MANAGEMENT SYSTEM IN THE CHEMICAL INDUSTRY

**Amirkulov Akram Ziyaevich -**

Independent researcher at Tashkent State University of Economics

**Annotation.** The article examines the issues of improving the method of evaluating the effectiveness of the corporate governance system, aimed at ensuring competitive advantage in the chemical industry.

**Keywords:** corporation, management, corporate governance, system, efficiency, evaluation, style.

**Кириш.** Жаҳонда кимё тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқариш механизмлари самарадорлигини ошириш соҳасида кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, кимё тармоғи акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш асосида эконометрик моделлар яратилган ҳамда ушбу моделлар ёрдамида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш амалга оширилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар шароитида маркетинг тамойиллари асосида кимё саноати корхоналарининг бошқариш механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1]. Бу каби устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз кимё тармоғи акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу жиҳатдан, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ташкил этишнинг корпоратив шакли - тадбиркорлик субъектларини ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан яққол афзалликлар яратувчи шакл ҳисобланади.

Бизнингча, корпоратив шакл биринчидан, биз акциялар ва облигацияларни сотиш орқали пул капиталини жалб қилиш учун чексиз имкониятлар яратиш ва шу билан капитал сафарбарлиги орқали молиявий маблағларни жалб қилиш базасини кенгайтириш ҳисобланади.

Иккинчидан, корпоратив шакл банк кредитига кўпроқ ишончлилиги ва банкларни даромадли ҳисоб билан таъминлаш қобилияти туфайли бизнесни ташкил этишнинг бошқа шаклларига нисбатан осонроқ киришни таъминлайди.

Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар акциядорлик жамиятиси таркибига кирувчи мулқдорларнинг шахсий таваккалчилик дараҷасини чеклайди, бу эса молиявий инвестициялар кўлами билан ортади.

Тўртинчидан, акциядорлик жамияти бошқарув вазифаларини бажариш учун профессионал мутахассисларни жалб қилиш имкониятларини яратади.

Жаҳон амалиётида компанияларнинг корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда кўйидаги бир қанча модел ҳамда усуллардан фойдаланилади: S&P GAMMA рейтинги, GMI рейтинг тизими, TCIнинг Board Analyst рейтинги, Deminor рейтинги, «РИД-Эксперт РА» миллий рейтинги, ИКПУ CORE-рейтинг ва бошқалар. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув сифати ва самарадорлик даражасини аниқлайдиган бир қанча илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, Д.Суюновнинг «Корпоратив бошқарув рейтинги» [2], М.Ҳамидулиннинг «Корпоратив бошқарув даражасини баҳолаш рейтинги» [3], Д.Бегматовнинг «Корпоратив бошқарув дараҷасини рейтинг баҳолаш усули» [4], З.Ашуроннинг «Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини рейтинг асосида баҳолаш усули» [5], М.Худойкуловнинг «Акциядорлик жамиятларида томонлар қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув самарадорлигини баҳолаш усули» [6].

Д.Суюновнинг услугбиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув рейтинги 3 гуруҳ мезонлар бўйича 100 балли шкала асосида аниқланган.

М.Ҳамидуллиннинг услугбиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув даражасини баҳолашнинг миллий рейтинги 10 балли шкала асосида баҳолаш параметрларини ўз ичига олган 10 та асосий кўрсаткич гуруҳи бўйича аниқланади.

Д.Бегматовнинг услугбиятига мувофиқ, корпоратив бошқарув даражаси 47 та кўрсаткичларни ўз ичига олган 7 та мезон бўйича аниқланади.

Ушбу услугбиятлар, асосан, у ёки бу дараҷада корпоратив бошқарув амалиётини стандартлар ва тамойилларга нисбатан баҳолашга, айримлари эса мулқдорлар манфаатларини ҳимоялаш механизмининг ишлаш самарадорлигини ўзаро таққослашга асосланган. Улар хеч бири, корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг корпорация пировард фаолияти натижадорлиги, рақобатдаги устунлигига таъсири нуқтаи назаридан баҳолашга қаратилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий-тадқиқот методологияси бўлиб диалектика услуби ҳисобланади ва тадқиқот жараёнида тажриба-экспериментал, танлаб кузатиш, таққослаш, эксперталар баҳоси каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Биз томондан олиб борилган тадқиқотлар натижасида кимё саноати корхоналарида рақобатда устунликни таъминлашга йўналтирилган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш амалга оширилди. Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш бўйича таклиф этилган интеграллашган ёндашув асосида, биринчидан, корпоратив стратегияга мос келадиган чора-тадбирлар комбинациясини шакллантириш ва улардан фойда-

ланиш мумкин, иккинчидан, тизимнинг ресурсларни бошқариш жараёнларини ноаниқ муҳитдат етарли даражада ташкил этмаганлиги туфайли ресурс салоҳиятидан самарасиз фойдаланиши олдини олиш, учинчидан, корпоратив бошқарув тизими фаолиятида вазифавий ва маъму-

рий йўналиш, бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитларни шакллантиришга қаратилди. Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолашда услугий ёндашувнинг асосий босқичлари 1-расмда кўрсатилган.

- 1 • КБТ фаолияти натижадорлигини баҳолаш мақсадининг таърифи ва КБТ фаолиятининг ҳар бир соҳаси учун кўрсаткичлар гуруҳлари
- 2 • КБТ фаолияти натижадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг иерархик тузилишини яратиш
- 3 • КБТ фаолияти натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш усусларини аниқлаш
- 4 • КБТнинг ҳар бир фаолият соҳаси учун аниқ кўрсаткичларнинг мезонлар қийматларини асослаш
- 5 • КБТ фаолияти натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ахборотларни йигиш ва тизимлаштириш (корпорацияларнинг ахборот базаси)
- 6 • КБТ фаолияти натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар қийматларини ҳисоблаш
- 7 • КБТ фаолияти натижадорлигининг интеграл даражадаги кўрсаткичини ҳисоблаш
- 8 • Натижадорлик интеграл кўрсаткичининг интеграл қийматлари жадвалига мувофиқ КБТ фаолияти натижадорлигининг бажарилиш даражасини интерпретацияси
- 9 • КБТ фаолияти натижадорлиги интеграл кўрсаткичини ҳисоблаш учун олинган натижалар таҳлили: тенденсияларни аниқлаш, ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ва бошқалар.
- 10 • Баҳолаш натижалари асосида КБТ фаолияти натижадорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқиш
- 11 • КБТ фаолияти натижадорлиги даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш

### **1-расм. Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш босқичлари ва тартиблари**

**Манба:** муаллиф ишланмаси

Корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолашнинг биринчи босқичида бошқариш тартибларининг тизимли кўриниши ва корпорация самарадорлигини таъминлаш жараённинг мантиқи, яъни режали фаолиятни амалга ошириш ва режалаштирилган натижаларга еришиш даражаси асосида асосий мақсад аниқланади.

Иккинчи босқичда корпоратив бошқарув тизимининг фаолияти натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичларининг иерархик тузилмаси яратилади. Бу босқичда корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар мажмуи шаклланади. Ҳосил қилинган кўрсаткичлар мажмуасидан фойдаланиш корпоратив бошқарув тизимининг натижадорлигини

энг муҳим мезонларга кўра баҳолаш имконини беради: стратегик, ресурс ва вазифавий-маъмурӣ.

Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларни ҳисоблаш усусларини аниқлаш - учинчи босқич. Кўрсаткичларни ҳисоблаш усуслари кўрсаткичлар турига боғлиқ:

\* мутлақ (натурал ёки пул бирликларида ўлчанади). Ушбу кўрсаткичлар таққослаш учун баъзи маълумотларни талаб қиласди, масалан, рақобатчиларнинг ишлаши ёки олдинги даврларнинг кўрсаткичлари;

\* нисбий коэффициентлар - умумий қийматга нисбатан қисман қийматлар;

\* турли даражадаги қийматлар нисбати шаклида ҳисобланган рақамлар (масалан, ҳар бир баҳолаш объектининг натижадорлиги);

\* индекс қийматлари - вақт ўтиши билан содир бўладиган ўзгаришлар кўрсаткичлари, бу кўрсаткичларнинг ўсишини солиштириш имконини беради (масалан, бирор параметрнинг ўсиш индекси).

**Тўртинчи босқичда** корпоратив бошқарув тизимининг ҳар бир фаолият соҳаси учун алоҳида кўрсаткичларнинг мезонлар қийматлари асослаб берилади.

Корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг ҳар бир соҳаси бўйича алоҳида кўрсаткичлар тизимини баҳолаш мезонлари тизимларга тегишли талаблар асосида ишлаб чиқилади ва уларнинг истиқболдаги самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган режалаштирилган қийматлари белгиланади. Бу ўтган даврлардаги кўрсаткичлар ёки маълумотларнинг жорий қийматлари бўлиши мумкин; тадқиқот ёки эксперт баҳолаш усули ёрдамидаги сўров натижалари.

**Кейинги босқичда** дастлабки маълумотлар ҳосил қилинади. Микдорий ёки сифат кўрсаткичларни баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар қуйидаги хусусиятлар билан ажralиб туради: объективлик, аниқлик, бутун корпоратив бошқарув тизимининг ҳаракатларини акс эттириш, ташқи ва ички омилларнинг корпоратив бошқарув тизимига таъсирини кўриб чиқиши ва корпоратив бошқарув тизимининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириш.

**Олтинчи босқичда** корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг қийматлари ҳисобланади. корпоратив бошқарув тизимига киритилган барча тадбирларнинг самарадорлиги аниқланади.

**Еттинчи босқичда** корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг интеграл кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади. Олинган параметрларни З элементли моделда [Раун; РСН; РРН] ягона интеграл кўрсаткичга бирлаштириш корпоратив бошқарув тизими натижадорлиги тўғрисида умумлаштирилган тасаввур олиш имконини беради.

Бунинг учун баҳолаш усулида 1-формула бўйича геометрик ўртачага асосланган интеграл кўрсаткичини ҳисоблашдан фойдаланамиз:

$$K_{КБТ} = \sqrt[3]{K_{ВМН} * K_{СЙН} * K_{РТН}} \quad (1)$$

бу ерда,  $K_{ВМН}$  – вазифавий-маъмурий жиҳатнинг натижадорлик кўрсаткичи;

$K_{СЙН}$  - стратегик йўналишнинг натижадорлик кўрсаткичи;

$K_{РТН}$  - ресурсларни тақсимлашнинг натижадорлик кўрсаткичи.

Ҳар бир корпорация учун таъсир даражаси корпоратив бошқарув тизими фаолияти нати-

жадорлиги ва корпоратив бошқарув тизими нинг уч устунидан ҳар бири учун рақобат устунликларини шакллантириш натижадорлиги асосида аниқланади.

**Саккизинчи босқичда** корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг баҳарилиш даражасини изоҳлаш корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлиги баҳарилишининг интеграл кўрсаткичлари шкалалари қийматларига ва рақобат устунликларини шакллантириш натижадорлигига мувофиқ амалга оширилади. Сўнгра улар муҳимликнинг Харрингтон шкаласи бўйича баҳоланиб, маълум шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, бутун корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг якуний ишлаш даражасини шунга мос равиша изоҳлашга имкон беради.

Шу билан бирга интервал қийматларини ( $t$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формула асосида масофа усули қўлланилади:

$$t = (U_{max} - U_{min}) / (1 + 3,2 * \log n) \quad (2)$$

бу ерда:  $U_{max}$  ва  $U_{min}$  - мос равиша КБТ натижадорлиги ва стратегик рақобат афзалликлари эксперт баҳосининг максимал ва минимал қийматлари;  $n$  – КБТ натижадорлигини баҳолаш (рақобат афзаллиги)даги омиллар сони.

**Тўққизинчи босқичда** корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлиги баҳарилишининг интеграл кўрсаткичини ҳисоблашнинг олинган натижаларини таҳлил қилиш амалга оширилади: тенденцияларни аниқлаш, ўзгаришлар динамикасини аниқлаш ва бошқалар. Харрингтон шкаласи бўйича интеграциялашган корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини аниқлаш ва қилинган хуласалар асосида, корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигини тузатиш ва/ёки ўзгариш ҳаракатлари, шунингдек такомиллаштириш чора-тадбирлар ишлаб чиқиш жараёнлари ҳамда мониторинг ва таҳлил қилиш амалга оширилади.

Интеграциялашган корпоратив бошқарув тизимини бошқариш бўйича қарор қабул қилиш - ўнинчи босқич бўлиб, интеграциялашган бошқарув тизими натижадорлигини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишига олиб келади.

Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш услубиятининг якуний босқичи ҳисобланади.

Ушбу услуг кимё саноатининг бир нечта корхоналари амалиётига жорий этилди. Корпоратив бошқарув тизими амал қилиши натижадорлигини баҳолаш натижасида натижадорлик интеграл кўрсаткичининг қуйидаги қийматлари олинди (1-жадвал).

## Корпоратив бошқарув тизими фаолияти натижадорлигининг интеграл кўрсаткичи

Ўрганилаётган объектлар	КБТ натижадорлиги интеграл кўрсаткичи	Кўрсаткичлар номланиши		
		$K_{BMT}$ вазифавий-маъмурий жиҳатнинг натижадорлик кўрсаткичи	$K_{СИН}$ стратегик йўналишнинг натижадорлик кўрсаткичи	$K_{РТН}$ ресурсларни тақсимлашнинг натижадорлик кўрсаткичи
«Навоий азот» АЖ	0,7965	0,8186	0,6033	1,0233
«Фарфона азот» АЖ	0,7353	0,8436	0,4900	0,9617
«Максам-Чирчик» АЖ	0,7545	0,7919	0,5917	0,9167
«Самарқанд кимё» АЖ	0,6541	0,6984	0,4650	0,8617
«Қўйқон СФЗ» АЖ	0,5383	0,5859	0,3983	0,6683

**Манба:** Муаллиф ҳисоб-китоблари

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган акциядорлик жамиятларида ўртасида корпоратив бошқарув тизими амал қилиши натижадорлиги даражалари бўйича «жуда юқори» соҳасида З та: «Навоий азот» АЖ, «Фарфона азот» АЖ ва «Максам-Чирчик» АЖ корхоналари жойлашиб, умумий ўрганилаётгандарнинг 60 %ни ташкил этган. «Самарқанд кимё» акциядорлик жамияти эса «юқори» соҳада ўрин эгаллаган бўлсада, корпоратив бошқарув тизими фаолиятини юқори даражасига эришиш учун имконияти мавжуд. «Қўйқон СФЗ» АЖ эса «номақбул» соҳада ўрин эгаллаган ва ушбу акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тизими фаолиятини яхшилаш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

**Хуоса ва таклифлар.** Ишлаб чиқилган услугбиятга мувофиқ корпоратив бошқарув тизими натижадорлигини баҳолаш унинг фаолияти (маъмурий-бошқарув йўналиши ва бизнес истиқболини кўра билишлик; маъмурий-бошқарув йўналиши ва ресурсларни тақсимлаш; бизнесни кўра билиш ва ресурсларни тақсимлаш)ни тавсифловчи корпоратив бошқариш тизими фаолияти йўналиши ҳолатининг комбинациялари ва рақобат устунликларини шакллантириш кўп ҳолларда ўз ҳолатларининг дарожаларида жуда катта фарқларни кўрсатади. Бу эса корпоратив бошқариш тизимининг фаолия-

ти натижадорлиги даражасидаги анча кучсиз корреляцияни кўрсатади, таҳлил натижасида мувозанатлаштирилган фаолиятнинг барча соҳаларига эга бўлган акциядорлик жамиятлари аниқланмади.

Ҳисоб-китоблар натижалари шуни кўрсатадики, корпоратив бошқариш тизими фаолияти натижадорлиги даражасини камайтиришга, аввало, бизнес истиқболларининг маъмурий-бошқарув ва бизнесни кўра билишлик йўналишлари таъсир кўрсатган.

Акциядорлик жамияти корпоратив бошқариш тизими фаолияти натижадорлигининг З та йўналишининг ҳар бири бўйича тадбирлар ҳолатини таҳлил қилиш натижалари асосида корпоратив бошқариш тизими фаолияти натижадорлигининг зарур даражасини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ташқи ва ички муҳитда ётадиган ва корпорация ва умуман корпоратив бошқарув тизимининг ишлашига энг катта таъсир кўрсатадиган корпорациянинг мавжуд афзаллilikлари омиллари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимида корпоратив рақобат устунликларини шакллантириш самарадорлигини баҳолаш натижалари тегишли стратегиялар шаклланган тақдирда корпоратив устунниклар дарожасини ошириш заҳираларини аниқлаш имконини берди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. <http://lex.uz>
2. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. –Т.: Академия, 2007. – 319 б.
3. Ҳамудиллин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: Дис. ... док. экон. Наук. – Т.: БФА РУз, 2008. – 256с.
4. Бегматова Д.Б. Совершенствование методов оценке эффективности корпоративного управления в акционерных обществах: дис. на соискание учёной степени доктора философии (PhD) по экон. Наук. – ТГЭУ, 2017. – 164 с.
5. Ашурев З. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми. Монография / З.Ашурев. – Т.: «LESSON PRESS» НАШРИЁТИ, 2019. – 275 б.
6. Худойкулов М.Р. Тўқимачилик корхоналарида корпоратив бошқарув механизмларини тақомиллаштириш. ИФФД (PhD) илмий дарож. олиш учун ёзилган автореферат. – Т.: ТДИУ, 2019. – 24 б.